



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

230100, Nökis qalasi, Dosnazarov köshesi 62-üy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

«09» август 2021-у.

№ 02-03/02-3574 »- 2021-ж.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашига

Сизнинг, 2021 йил 05 августдаги 1/487-сонли хотинизга:

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 17 та туман(шаҳар) халқ таълими бўлимларида васийлик ва хомийлик органлари ташкил этилиб, болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва куллаб-қўвватлаш бўйича мутахассис штатлари белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тассаруфида 6 та давлат ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернати ва 1 та “Меҳрибонлик уйи” фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бугинги кунда васийликга, хомийликга ва фарзандликка олинган ота-она қарамағидан маҳрум бўлган етим болалардан назоратда турганлар 6229 нафар боланинг ҳуқуқлари муҳофаза этилиб, 1155 нафар бола васийликга, 718 нафари хомийликга ва 4356 нафар бола фарзандликга берилди.

Бугунги кунда меҳрибонлик уйида 118 нафар етим ва ота-она қарамағидан маҳрум бўлган болалар тарбияланмоқда, улардан 62 нафари ўғил бола, 56 нафари қиз болаларни ташкил этади.

Шундан 9 нафари (7,6%) чин етим, 21 нафари (17,8%) ярим етим (отаси ё онаси йўқ), 61 нафари (51,7%) ижтимоий етим ва ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар фарзандлари, 15 нафари (12,7%) кам таъминланган оилалар фарзандлари, 3 нафари (2,5%) ногиронлар фарзандлари, 5 нафари (4,2%) ота-онаси озодликдан маҳрум қилинганлар фарзандлари. 4 нафари (3,4%) ота-онаси ташлаб кетилганлар.

Тарбияланувчиларнинг 1 нафари 3-6 ёшли, 28 нафари 7-10 ёшли, 69 нафари 11-15 ёшли, 23 нафари 16-18 ёшлиларни ташкил қилади.

Меҳрибонлик уйидаги касб-ҳунарга ўргатиш бўйича ташкил этилган тўғарақлар машғулотларига Хўжайли туманидаги касб-ҳунар мактаби бириктирилган. Ҳозирги кунда 13 та 9 синф битирувчи мавжуд бўлиб Қорақалпоғистон Республикасидаги касб-ҳунар мактабларига хужжатлари топширилди.



2015-2020 йилларда “Меҳрибонлик уйи”ни тугатган жами 108 нафар тарбияланувчиларнинг 90 нафарининг бандлиги таъминланган. Қолган 18 нафар битирувчилар ишсиз ҳисобланиб, уларнинг ҳозирги кунда

13 нафари олий таълим муассасаларига имтиёз асосида ўқишга кириш учун ҳужжатларини топширган, ҳозирги кунда улар тест синовларига тайёргарлик кўрмоқда;

2 нафари (қизлар) оила куриб, бола тарбияси билан шуғулланмоқда;

1 нафари Миграция агентлиги орқали чет давлатга шартнома асосида ишга жойлаштирилди;

2 нафар қизимиз Нукус шаҳрида жойлашган касб-ҳунарга ўргатиш Мономарказидаги (батлер официант ва гузаллик салони ишчиси) ўқув курсларида ўқиш истагини билдирган.

Шу билан бирга, 33 нафар битирувчилар уй-жойга муҳтож.


Қорақалпоғистон Республикасида 4 та имконияти чекланган болалар учун махсус мактаб-интернатида 955 нафар ногирон ўқувчилар таълим-тарбия олиб келмоқта.

Шуннан Хўжайли туманидаги 3-сонли ақли заиф болалар учун мактаб-интернатида 325 ўқувчи, Нукус шаҳри 4-сон карва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатида 247 ўқувчи, Нукус шаҳри 10-сон кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатида 225 ўқувчи, Тўрткўл туманидаги 62-сонли махсус ёрдамчи мактабида 158 нафар ногирон ўқувчилар ўқувчилар таълим-тарбия олиб келмоқта.

Ушбу 4 та махсус мактаб-интернатларни тегишли ташкилотлар билан биргаликта хатловдан ўтказиб, уларни идоравий мансублигини қайта кўриб чиқиш режалаштирилмоқда

**Қорақалпоғистон Республикаси**

**Халқ таълими вазири биринчи ўринбосари в.в.б**



**Қ.Бекбаёлиев**

Ижрочи: А.Аймуратов

Тел: (61) 222-94-54